

**Investitsiya Institutlari Milliy  
Uyushmasining  
2026 yil 12 yanvardagi A'zolarining  
umumiy yig'ilishi bayonnomasi bilan  
TASDIQLANGAN**



**Yig'ilish raisi**

**Yakubov M.M.**

**“INVESTITSIYA INSTITUTLARI MILLIY  
UYUSHMASI”  
УСТАВИ  
(янги тахрирда)**

**Тошкент-2026 й.**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Инвестиция институтлари миллий уюшмаси (матнда “Уюшма” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги 14.04.1999-йилдаги 763-I-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, шунингдек мазкур Устав асосида фаолият юритади.

1.2. Уюшма юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган нотижорат ташкилотидир.

1.3. Қуйидаги юридик шахслар Уюшманинг таъсисчи аъзолари ҳисобланади:

- **“Ansher Capital”** Масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси (почта манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Гульбахорбегим кучаси 26; Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2009 йил 27 августда 1133- сон билан рўйхатга олинган);

- **“Portfolio Investments”** Масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй; Тошкент шаҳар, Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2012 йил 25 майда 005849-03- сон билан рўйхатга олинган);

- **“Premium Finance”** Масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: 100021, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 107Б-уй; Тошкент шаҳар, Шайхантахур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона дарча маркази томонидан 2016 йил 10 октябрда 009518-09 сон билан рўйхатга олинган);

- **“Kapital-Depozit”** Масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25-уй; Тошкент шаҳар, Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 07 июнда 000988-03- сон билан рўйхатга олинган);

- **“Freedom Finance”** Масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси (почта манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 107Б-уй; Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 08 февралда 575015- сон билан рўйхатга олинган);

- **“Osiyo Sarmoya Depo”** Масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй; Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2011 йил 03 февралда 006351-10-сон билан рўйхатга олинган);

1.4. Уюшма аъзоларининг таркиби, Уюшма аъзолигига бошқа юридик шахсларнинг кириши эвазига ўзгариши мумкин.

1.5. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида амалга оширади.

1.6. Уюшма номи:

- Давлат тилида тўлиқ номи: “INVESTITSIYA INSTITUTLARI MILLIY UYUSHMASI”, қисқача номи: “ИМУ”;

- Рус тилида тўлиқ номи: “НАЦИОНАЛЬНАЯ АССОЦИАЦИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ИНСТИТУТОВ”, қисқача номи: “НАИИ”;

- Инглиз тилида тўлиқ номи: “NATIONAL ASSOCIATION OF INVESTMENT INSTITUTIONS”, қисқача номи: “NAII” деб аталади.

1.7. Уюшма фаолият муддати чегараланмаган.

1.8. Уюшма манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам МФЙ, Каландар кучаси, 20 уй.

1.9. Уюшма Устави ва ички ҳужжатлари билан унинг аъзолари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар танишиши мумкин.

## II. УЮШМА МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Уюшма қуйидаги мақсадларда тузилган:

- Уюшма аъзолари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар билан бўлган муносабатларда Ўзбекистон Республикасида ва ҳорижда химоя қилиш ва ифода этиш;
- капитал бозорини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилашда иштирок этиш;
- Уюшма аъзоларини давлат бошқарув органлари билан алоқалар ўрнатган ҳолда соҳага оид янгиликлар ҳақида хабардор қилиш ва бошқа ахборот хизматларини кўрсатиш;
- давлат органлари билан мулоқотда уюшма аъзоларини овозини бирлаштириш, бунда Уюшма аъзоларининг давлат органларига тўғридан тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқлари чекланмайди;
- Уюшма аъзолари ўртасида тажриба алмашиш, ҳамкорликда лойиҳалар амалга ошириш;
- соҳага оид “Одоб-ахлоқ кодекси” (стандартларини) ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- инвестиция муҳитини яхшилаш ва халқаро стандартларга яқинлаштиришга кўмаклашиш; молия бозори, шу жумладан капитал бозори фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда қонун ҳужжатлар ва қоидаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқилишида ва қабул қилинишида қатнашиш;
- капитал бозори профессионал иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларга методологик ва техник кўмак кўрсатиш;
- капитал бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда иштирок этиш;
- ходимлар учун малака ошириш курслари ва сертификатлаштириш тизимини ривожлантириш;
- капитал бозори иштирокчилари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришда ваколатли давлат органлар билан ҳамкорликда фаол иштирок этиш;
- капитал бозори иштирокчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, адолатли ва шаффоф рақобат қоидаларини тарғиб қилиш ва инвесторларни бозорга бўлган ишончини оширишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва тадбиқ этишда қатнашиш;
- соҳага оид шу жумладан молиявий саводхонликни оширишга қаратилган тренинглар, семинарлар ва конференциялар ташкил этиш ва ўтказиш.
- капитал бозорига оид ахборотлар ўз вақтида ва тўлиқ ошкор этилишини ташкил этишда қатнашиш;
- бошқа давлатлар молия бозорларидаги ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ҳамда Уюшма аъзоларининг ҳорижий компаниялар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишда кўмак кўрсатиш.

2.2. Уюшма белгиланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Уюшма аъзолари имкониятларини мувофиқлаштирган ҳолда капитал бозорида фаолият юритишни стандартлаштиришда иштирок этиш;
- Уюшма аъзолари учун Одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- молия бозори, шу жумладан капитал бозорини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари билан биргаликда капитал бозори иштирокчилари томонидан ноқонуний ва ахлоқсиз ҳаракатларни олдини олишни таъминловчи қоидаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда қатнашиш;
- капитал бозорини ташкил этиш, такомиллаштириш ва тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда инвестиция институтлари ва бошқа капитал бозори иштирокчиларининг ролини кучайтириш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Уюшма аъзолари, манфаатларини давлат ҳокимияти, суд, бошқа давлат орган ва муассасаларда қонун ҳужжатларига мувофиқ химоя қилиш;
- Уюшма аъзолари ўртасида, шунингдек Уюшма аъзолари ва учинчи шахслар (давлат органлар ва бошқалар) ўртасида вужудга келган бахс ва низолар объектив

(атрофлича) кўриб чиқилиши ва ҳал этилишда қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиш;

- Уюшма аъзоларини ҳуқуқий, техник, ахборот ва услубият таъминоти масалаларида қўллаб-қувватлаш;
- капитал бозорини ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни амалга оширишда Уюшма аъзолари иштирокини мувофиқлаштириш;
- Уюшма аъзоларини ички ва халқаро капитал бозоридаги фаолиятини ривожлантириш мақсадида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

### **III. ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ**

3.1. Уюшма мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- капитал бозорида фаолият юритиш принциплари, қоида ва стандартларини Уюшма аъзолари фаолиятида тадбиқ этишга кўмаклашиш;
- капитал бозорида профессионал фаолият юритиш принципларини, технологик стандартлари ва қўлланмаларини Уюшма аъзолари фаолиятида тадбиқ этишга кўмаклашиш;
- молия бозори фаолияти билан боғлиқ қонун ва бошқа ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни давлат ташкилотларига Уюшма номидан киритиш;
- маҳаллий ва халқаро капитал бозори иштирокчиларининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни кенг тадбиқ этишда ёрдам кўрсатиш;
- турли семинарлар, конференциялар, танловлар ва бошқа анжуманлар ташкил этиш;
- ўқув-услубий қўлланма, реклама проспектилари, турли илмий-техник ҳужжатларни тайёрлаш, нашр этиш;
- ижтимоий тармоқларда орқали видеороликлар, инфографика ва мақолалар жойлаштириб капитал бозори ҳақида кенг жамоатчиликка содда ва тушунарли тарзда ахборот бериш, танитиш ва инвесторлик маданиятини шакллантиришга кўмаклашиш;
- олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда соҳа мутахассисларини тайёрлашга кўмаклашиш;
- Уюшма аъзоси бўлмаган молия бозорининг бошқа иштирокчилари ва уларнинг бирлашмалари (уюшмалари) билан ҳамкорлик ўрнатиш.

### **IV. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

4.1. Уюшма давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Уюшма ўз мулкига эга бўлади, ундан фойдаланади ва уни бошқаради. Уюшма ўз номидан шартномалар тузиш, мулкий ва номулкий ҳуқуқга эга бўлиш, мажбуриятларни бажариш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиб қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, Уюшма номи тушурилган муҳр ва эмблемага эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банкларида сўм ва валюта ҳисоб рақамларини очиб фаолият кўрсатади.

4.2. Уюшма давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб мулкий ва номулкий ҳуқуқига, ўз номидан шартномалар тузишга, судда даъвогар ёки жавобгар бўлишга ҳақлидир.

4.3. Уюшма, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатхоналарини, филиалларини ташкил қилиш ҳамда турли хўжалик жамиятларнинг устав фондида улушларни эгаллик қилиш йўли билан улар фаолиятларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

4.4. Уюшма ўз мажбуриятлари юзасидан тассаруфидаги барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

4.5. Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари Уюшманинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Уюшма ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

4.6. Уюшманинг барча аъзолари ўз мустақиллигини ҳамда юридик шахс мақомини сақлаб қоладилар. Уюшма ўз фаолиятини аъзолар ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширади.

4.7. Уюшма куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- қонун билан белгиланган тартибда контракт, шартномалар ва келишув тузиш;
- Уюшма фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича мутахассисларни чет элга хизмат сафарларига юбориш ва хорижий мутахассисларни таклиф этиш;
- давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан ўзининг фаолиятига доир хабар, ахборот ва маълумотлар олиш ҳамда ўз аъзолари эътиборига етказиш;
- мазкур Уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши.

4.8. Уюшманинг мажбуриятлари куйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Уставда ва бошқа таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этиши;
- Солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиб бориш.

## **V. УЮШМАГА АЪЗОЛИК**

5.1. Уюшма аъзоларини бирлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда фақат ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

5.2. Уюшма устави ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларни эътироф этувчи, белгиланган бадалларни ўз вақтида тўлайдиган юридик шахслар Уюшма аъзолари бўлиши мумкин.

5.3. Аъзоликка қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиш ёки бекор қилиш тартиби, шунингдек аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уюшмада аъзолик тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом Уюшма аъзоларининг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

5.4. Уюшма аъзолари ушбу Устав ва Уюшмада аъзолик тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

5.5. Аъзолик бадалларини тўлаш шартлари ва тартиби Уюшмада аъзолик тўғрисидаги Низом билан белгиланади ҳамда Уюшма аъзоларининг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

## **VI. УЮШМА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

6.1. Уюшмада куйидаги бошқарув органлари ташкил этилади ва фаолият юритади:

- Уюшма Аъзоларининг умумий йиғилиши (олий бошқарув органи);
- Уюшма Директорлар кенгаши;
- Уюшма Бошқаруви (Ижроия органи).

### **Уюшма Аъзоларининг умумий йиғилиши**

6.2. Уюшма Аъзоларинининг умумий йиғилишида (кейинги ўринларда – АУЙ) Уюшма аъзолари овоз бериш йўли билан иштирок этади.

6.3. Уюшма АУЙ мутлоқ ваколатлари куйидагилардан иборат:

- мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш, уни янги таҳрирда қабул қилиш;
- Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;
- Уюшма мол-мулкни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тамойилларини белгилаш;
- Уюшма фаолиятини тўхтатиш ёки қайта ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Уюшмани ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда тугатиш балансини тасдиқлаш;
- Уюшмада аъзолик тўғрисидаги Низомни қабул қилиш ва унга ўзгартиш киритиш, ушбу Низом аъзолик тартиби, аъзолик бадаллари, шунингдек аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалаларини тартибга солади;

- Уюшманинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
  - Уюшма томонидан бошқа юридик шахсларни, нодавлат нотижорат ташкилотларидан ташқари, ташкил этиш ҳамда Уюшманинг бошқа юридик шахсларда, нодавлат нотижорат ташкилотларидан ташқари, иштирок этиши (иштирокини тугатиши) тўғрисида қарорлар қабул қилиш; Уюшманинг Директорлар кенгаши аъзоларини сайлаш, уларни ваколатларини узайтириш ёки муддатдан олдин бекор қилиш;
  - Уюшма Директорлар кенгашининг сонли таркибини белгилаш;
  - Уюшманинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Уюшма Ижроия органини ташкил этиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини узайтириш, шунингдек унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
  - Уюшманинг асосий воситаларини ижарага бериш ва (ёки) уларни тасарруф этиш (бегоналаштириш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
  - Уюшманинг йиллик хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, шунингдек ҳақ тўлашнинг энг юқори (чекланган) миқдорини белгилаш;
  - Уюшма Директорлар кенгашининг ва Ижроия органи раҳбарининг ўз ваколатлари доирасида Уюшма фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботини ҳамда бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини тасдиқлаш;
  - Уюшма органлари томонидан ўз мажбуриятлари қўпол равишда бузилган ҳолларда, ишларни лозим даражада юритишга лаёқатсизлик аниқланганда ёки бошқа жиддий асослар мавжуд бўлганда, Уюшма бошқарув органлари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - Уюшма Ижроия органи раҳбарини тайинлаш (сайлаш), унинг ваколатини узайтириш ҳамда муддатдан олдин бекор қилиш, мазкур Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
  - Уюшманинг ҳар йиллик хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш, мазкур Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
  - Уюшманинг Директорлар кенгаши қошида Маслаҳат кенгаши, шу жумладан қўмита ва комиссияларини ташкил этиш, тўхтатиш, вазифалари ва муддатларини белгилаш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш;
  - Уюшма АУЙ қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.
- 6.4. АУЙнинг ваколат доирасига киритилган масалалар Уюшма Директорлар кенгаши ва Ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, мазкур Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- 6.5. АУЙ Директорлар кенгаши томонидан бир йилда камида бир маротаба чақирилади. Директорлар кенгаши томонидан АУЙни чақириш имконияти бўлмаганда Ижроия органи раҳбари АУЙни чақиришга ҳақли.
- 6.6. АУЙ барча аъзоларнинг камида **60 фоизи** АУЙда иштирок этганда ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.
- 6.7. АУЙ ўтказиш учун кворум бўлмаса, аъзоларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Такрорий умумий йиғилишда Уюшма аъзолари барча аъзоларнинг қирқ фоизидан кўпроқ овозга эга бўлган иштирокчилари қатнашса, уюшма аъзоларининг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади. Уюшма аъзоларининг такрорий умумий йиғилиши АУЙ ўтказилмаган (ўтказилмаган деп топилган) кундан эътиборан 30 кун ичида ўтказилиши шарт.
- 6.8. Уюшма уставига ўзгартиришлар киритиш, уюшмани қайта ташкил этиш, тугатиш, ихтиёрий равишда тугатиш, тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда тугатиш балансини тасдиқлаш, Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, Уюшма мол-мулкни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тамойилларини белгилаш масалалари Уюшма АУЙ томонидан йиғилишда иштирок этаётган Уюшма аъзоларининг камида  $\frac{3}{4}$  қисми овози билан ҳал қилинади.

6.9. Уюшма аъзоларинг умумий йиғилишини онлайн тарзда утказишга ҳам рухсат берилади. Такрорий умумий йиғилиш онлайн тарзда утказилган тақдирда, қарорлар Уюшма аъзоларинг 40 фоиздан кўпроқ иштирокида қабул қилиши мумкин.

6.10. АУЙ чақирилиши ҳақидаги хабар йиғилиш ўтказиладиган кундан камида **20 кун** олдин Уюшма аъзоларига ёзма хабарнома ва (ёки) электрон почта манзили орқали етказилади. Агар АУЙни чақираётган органнинг қарорида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, АУЙ ўтказилиши ҳақида эълон Уюшма веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

6.11. АУЙ кун тартибига қўйиладиган масалалар Директорлар кенгаши ва (ёки) Ижроия органи ташаббуси ёхуд Уюшма барча аъзоларининг камида **20 фоизи** томонидан киритилиши мумкин. Уюшма Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Уюшмани қайта ташкил этиш ва тугатиш масалаларини кун тартибига киритиш Уюшма Директорлар кенгашининг ташаббуси ва/ёки Уюшма аъзоларининг камида 30 фоизи ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

6.12. Навбатдан ташқари Уюшма аъзоларининг Умумий йиғилиши Уюшма Директорлар кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек Уюшма аъзоларининг камида 10 фоизи ташаббуси асосида чақирилиши мумкин. Агар навбатдан ташқари Умумий йиғилиш Уюшма Директорлар кенгаши ташаббуси билан ўтказилмаса, уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар йиғилиш ўтказиш ташаббускорлари ҳисобидан қопланади. Уюшма аъзоларининг Умумий йиғилиши томонидан мазкур харажатларни Уюшма маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

6.13. Навбатдан ташқари АУЙ кун тартиби йиғилиш ташаббускори томонидан киритилган масалалар юзасидан Директорлар кенгаши томонидан белгиланади. АУЙ бошлангандан сўнг кун тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

6.14. АУЙда Уюшма ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

6.15. АУЙда қарорлар йиғилишда иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда кўпроқ овоз талаб этилиши мумкин.

6.16. АУЙ давомида овозга қўйилган қарорлар бўйича Уюшма аъзоларининг “Тарафдор” ва “Қарши” овозлари сони тенг бўлган ҳолларда, Уюшма Директорлар кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.17. АУЙ баённомасида қуйидагилар:

- йиғилиш ўтказиш жойи, санаси, бошланган вақти;
- йиғилишда иштирок этаётган барча шахслар ҳақида маълумот, уларнинг исми-шарифи, ва қайси ташкилот номидан иштирок этаётганлиги;
- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби;
- йиғилиш кворум;
- йиғилиш кун тартиби;
- ҳар бир масала бўйича маърузаларнинг асосий мазмуни;
- йиғилиш қабул қилган қарорлар;
- қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш натижалари ёки қарорнинг бир овоздан қабул қилинганлиги ҳақида қайд.

6.18. Баённома АУЙ ўтган кундан **5 иш кунидан** кечиктирмай икки нусхада тузилади.

6.19. Ҳар иккала нусха ҳам АУЙда раислик қилувчи ва йиғилиш котиби томонидан имзоланади ва Ижроия органига ижро ва сақлаш учун тақдим этилади. Йиғилишда қабул қилинган қарорлар ҳақида расмий маълумот Ижроия органи орқали қисқа муддатда тарқатилади.

6.20. АУЙда Уюшма Ижроия органининг раҳбари, унинг ходимлари ва бошқа жалб қилинган экспертлар овоз бериш ҳуқуқсиз иштирок этиши мумкин.

## **Уюшма Директорлар кенгаши**

6.21. Уюшма Директорлар кенгаши бошқарув органи бўлиб, Уюшма АУЙлари оралиғида уюшма фаолиятига мазкур Устав билан берилган ваколатлар доирасида умумий раҳбарлик қилади.

6.22. Директорлар кенгашининг раиси кенгаш аъзолари таркибидан кенгаш аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан бир йилга сайланади ва ҳар йили ўзгаради.

6.23. Уюшма Директорлар кенгаши аъзолари сони Уюшма аъзолари сони 50 тагача бўлганда – 7 кишидан, 100 тагача бўлганда – 11 кишидан, Уюшма аъзолари сони 100 тадан ортиқ бўлганда 15 кишидан иборат бўлиши мумкин.

6.24. Директорлар кенгаши таркибий тузилиши Уюшма АУЙ томонидан белгиланади.

6.25. Директорлар кенгаши аъзолиғига номзодлар Уюшма аъзолари томонидан таклиф этилади ҳамда уюшма аъзолари умумий йиғилиш (АУЙ) томонидан сайланади.

6.26. Директорлар кенгашига сайлов жараёнида ҳар бир уюшма аъзоси, сайланиши лозим бўлган аъзолар сонидан ортиқ бўлмаган миқдордаги овозларга эга бўлиб, ушбу овозларни номзодлар ўртасида ўз хоҳишига кўра тақсимлаш ҳуқуқига эга.

6.27. Сайлов натижаларига кўра, энг кўп овоз тўплаган номзодлар Директорлар кенгаши аъзолари этиб сайланган ҳисобланади.

6.28. Директорлар кенгаши фаолиятини такомиллаштириш учун унинг қошида Маслаҳат кенгаши тузилиши мумкин. Маслаҳат кенгашига Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда ўз фаолияти билан юқори обрў қозонган ва юқори малакали, халқаро ташкилотлар, чет эл сармоялари киритилган корхоналар, чет эл банклари ва компаниялари ваколатхоналарида фаолият юритаётган Ўзбекистон ёки чет эл фуқаролари жалб этилади.

6.29. Директорлар кенгаши аъзоларига аъзолик учун мукофот тўланмайди. Айрим ҳолатларда АУЙ қарорига асосан Директорлар кенгашининг аъзоларига фаолияти учун ҳақ тўланиши мумкин. Бундай ҳолда тўланадиган ҳақ миқдори ва тартиби АУЙ томонидан белгиланади.

6.30. Директорлар кенгаши аъзолари бир йил муддатга сайланади. Директорлар кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

6.31. Директорлар кенгаши аъзоларининг ваколати муддатидан илгари АУЙ қарори билан тугатилиши мумкин.

6.32. Директорлар кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Уюшма мақсадларига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Уюшма Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Уюшма фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Уюшманинг Ижроия органи томонидан тайёрланиб, тақдим этилган Уюшма йиллик молия режасини тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

- Уюшма йиллик молиявий режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларни тасдиқлаш;

- Уюшма Ижроия органи раҳбарининг келажак режаларнинг бажарилиши борасидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

- Уюшма аъзоларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш;

- Уюшма аъзолари ва бошқа молия бозори иштирокчиларидан, Уюшма асосий фаолияти билан боғлиқ турли лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш учун молиявий ва бошқа ёрдам қабул қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш;

- Уюшма Ижроия органи раҳбарини Уюшманинг мақсадлари ва вазифаларига риоя қилинмаганда, мазкур Устав талаблари ҳамда АУЙ ва Директорлар кенгаши қарорлари ижроси сурункали равишда узрсиз сабабларга кўра таъминланмаган ҳолатларда лавозимдан муддатдан илгари озод этиш ва АУЙ ўтказилгунга қадар раҳбар вазифасини бажарувчи шахсни тайинлаш;

- Ижроия органи раҳбари номзодини АУЙга таклиф қилиш;

- Уюшма Ижроия органи раҳбари фаолиятини умумий назоратини олиб бориш;

- Уюшма Ижроия органининг ва аъзоларининг аффилланган шахслари билан ҳамда киймати Директорлар кенгаши томонидан белгиланган миқдордан кўп бўлган Уюшма мулкани тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни маъқуллаш;

- Уюшма аъзолик бадаллари миқдорини ва тўлаш усулини белгилаш тартиби, шунингдек Уюшма аъзоларининг унинг мол-мулкига қўшимча мулкый бадаллари тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Уюшма Ижроия органи раҳбарига тўланадиган ҳақ (мукофот) ва (ёки) компенсацияларни миқдорларини белгилаш;

- Уюшма Директорлар кенгаши раисини сайлаш;

- Уюшма филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тасдиқлаш ва лавозимдан озод этиш;

- Уюшманинг йиллик хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлмаган бошқа аудиторлик текширувлари (ўрганишлари)ни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, шунингдек мазкур ташкилот хизматлари учун ҳақ тўлашнинг энг юқори (чекланган) миқдорини белгилаш;

- Уюшманинг давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш стратегиясини белгилаш;

- базавий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисида, ички стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида, ички стандартларни қўллаш тартиби ҳамда асосларини ишлаб чиқиш тўғрисида, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Ижроия органи раҳбарининг йиллик ҳисоботини ҳамда Уюшманинг йиллик бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини эшитиш;

- Уюшманинг нодавлат нотижорат ташкилотларда иштирок этиши ва иштирокини тугатиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Уюшманинг аъзоларининг Умумий йиғилиши томонидан сиртқи овоз бериш ўтказиш йўли билан кўриб чиқилиши мумкин бўлган масалаларни белгилаш;

- Уюшмага янги аъзоларни қабул қилиш ва уюшма таркибидан ихтиерий чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Уюшма аъзолари ва Ижроия органи раҳбари таклиф ва эътирозларини кўриб чиқиш ва шу масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш;

- Мазкур Устав ва Уюшма ички ҳужжатларига мувофиқ Директорлар кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

6.33. Уюшма Директорлар кенгаши мажлиси, Кенгаш аъзоларининг камида **75 фоиз** аъзолари мажлисда иштирок этгандагина ваколатли ҳисобланади.

6.34. Директорлар кенгаши мажлиси, мажлисда қатнашувчи Кенгаш аъзоларининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Директорлар кенгаши йиғилишида аъзоларнинг “Тарафдор” ва “Қарши” овозлари сони тенг бўлган ҳолларда, Уюшма Директорлар кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.35. Директорлар кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг **5 иш кунидан** кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

- мажлиснинг кун тартиби;

- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

6.36. Директорлар кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган барча кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ва **2 иш кун** ичида Уюшма Ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

6.37. Директорлар кенгашининг раиси:

- кенгашнинг самарали фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни ташкил этади;

- кенгаш мажлисларини чақириш, унинг ишини ҳамда мажлис учун керакли хужжатларни тайёрлашни ташкил этади;
- кенгаш мажлисларида раислик қилади;
- мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади ва уни имзолайди;
- АУЙда раислик қилади, мазкур Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- Директорлар Кенгаши қарорларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради;
- Ижроия органи раҳбари билан Уюшма номидан меҳнат шартномасини тузади;
- Уюшма фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни кенгаш ваколати доирасида АУЙни қарорига асосан амалга оширади.

### **Уюшманинг Маслаҳат кенгаши**

6.38. Маслаҳат кенгаши Уюшма Директорлар кенгашининг консультацион-маслаҳат органи бўлиб, унинг таркиби Уюшма Ижроия органи раҳбарининг тавсиясига кўра Уюшма Директорлар кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

6.39. Маслаҳат кенгашининг сон таркиби чегараланмайди, унинг аъзоларига ҳақ тўланмайди.

6.40. Маслаҳат кенгаши фаолияти Директорлар кенгаши томонидан тасдиқланадиган қоида асосида амалга оширилади.

6.41. Маслаҳат кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари:

- капитал бозорида юзага келган долзарб масалаларни муҳокама этиш ва улар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини Директорлар кенгашига тақдим этиш;
- капитал бозори қатнашчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш бўйича қабул қилинган ва тайёрланаётган меъёрий хужжатлар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдириш;
- капитал бозорининг самарали фаолият кўрсатиши бўйича халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда тавсиялар бериш;
- капитал бозори қатнашчилари ўртасида юзага келган зиддиятларни ҳал этиш юзасидан маслаҳатлар бериш;
- капитал бозорини такоминлаштириш ва ривожлантириш бўйича давлат ташкилотларига киритилган таклиф ва мулоҳазаларни тайёрлашда қатнашиш;
- Уюшма Ижроия органи томонидан Директорлар кенгашига тақдим этиладиган Уюшма фаолиятининг йиллик режаси лойихасини кўриб чиқиш ва ўз таклиф ва мулоҳазаларини Директорлар кенгашига тақдим этиш;
- Уюшма фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини тақдим этиш.

### **Уюшма Ижроия органи**

6.42. Уюшманинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Уюшма Ижроия органи томонидан амалга оширилади. Ижроия органи АУЙнинг ва Директорлар кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

6.43. Уюшма Ижроия органи раҳбари (раиси) Уюшма Директорлар кенгаши таклифига кўра Уюшма АУЙ томонидан 1 (бир) йил муддатга лавозимга тайинланади.

6.44. Ижроия органи унинг раҳбари (раиси) дан ташкил топади ва у фақат АУЙ ва Директорлар кенгашига ҳисобдордир. Уюшма Директорлар кенгаши ва Маслаҳат кенгаши ўз вазифаларини бажаришларида ишчи органи ҳисобланади.

6.45. Уюшма Ижроия органи раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунлар ва қонунчиликнинг бошқа хужжатлари, мазкур Устави ҳамда Уюшма билан \_\_\_\_\_ йил муддатга тузиладиган шартнома билан белгиланади. Уюшма номидан шартномани Директорлар кенгаши раиси ёки Уюшма Директорлар кенгаши томонидан ваколат берилган шахс имзолайди.

6.46. Уюшма Ижроия органи раҳбари билан тузиладиган шартномада унинг Уюшма фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари, шунингдек Уюшма устав

мақсадларининг бажарилиши ҳолати тўғрисида Уюшма АУЙ ва Уюшма Директорлар кенгаши олдида ҳисобот бериш даврийлиги назарда тутилиши лозим.

6.47. Ижроия органи ташкил тузилмаси Уюшма Директорлари кенгаши томонидан, Уюшма Ижроия органи раҳбари тавсиясига асосан тасдиқланади.

6.48. Ижроия органининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Уюшма жорий фаолиятини амалга ошириш;
- Уюшма номидан ишончномасиз мазкур Устав асосида иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш, Уюшма номидан хатлар имзолаш, шартнома, келишув, меморандум ва бошқа битимлар тузиш;
- Уюшманинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат бошқарув органларида, суд ва бошқа ташкилотлар олдида ҳимоя қилиш;
- Уюшмага мустақил равишда ишчи ва ходимларни ишга ёллаш (ишдан бўшатиш), улар билан шартномалар тузиш, штатлар тасдиқлаш;
- Уюшма манфаатларини давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ва корхоналарда ҳимоя қилиш;
- Уюшма АУЙ ва Директорлар кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этиш;
- Уюшма шартномавий мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- Уюшма фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- Уюшма АУЙ, Директорлар кенгаши ёки аудиторлик ташкилотининг талабига кўра Уюшманинг молиявий-хўжалик фаолиятига оид ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;
- Тегисли органларга давлат статистик ҳисоботини тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Уюшмани малакали кадрлар билан таъминлаш, Уюшма ходимларининг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича чоралар кўриш;
- меҳнат интизомини таъминлаш;
- Уюшманинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва уларга кўрсатмалар бериш;
- Уюшманинг жорий ва келажак режаларини ишлаб чиқиш ва уни Директорлар кенгаши муҳокамасига тақдим этиш;
- Уюшма молиявий режа лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Директорлар кенгаши муҳокамасига тақдим этиш;
- Уюшма ваколатхоналари ва шўъба корхоналарини очиш ва уларнинг фаолиятини яқунлаш ҳамда Уюшманинг бошқа юридик шахсларда иштирок этиши бўйича Уюшма АУЙга таклифлар киритиш;
- Уюшма аъзолари ва бошқа молия бозори иштирокчиларидан, Уюшма асосий фаолияти билан боғлиқ турли лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш учун молиявий ва бошқа ёрдам қабул қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича Директорлар кенгашига таклифлар бериш;
- Уюшма Директорлар кенгаши қошидаги қўмита ва комиссиялар фаолиятини ташкил этиш;
- Уюшма аъзоларини навбатдаги ва навбатдан ташқари АУЙ ҳақида хабардор қилиш;
- АУЙ ва Директорлар кенгаши қарорлари ҳақида Уюшма аъзоларини хабардор қилиш;
- АУЙ ва Директорлар кенгаши қарорлари ижросини таъминлаш;
- Директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган молиявий режа асосида Уюшманинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини бошқариш;
- АУЙ ва Директорлар кенгаши ваколатларига кирмаган бошқа масалалар.

## **VII. УЮШМА МУЛКИНИНГ МАНБАЛАРИ**

7.1. Уюшма мулки қуйидаги манбалар ҳисобига ташкил этилади:

- Уюшма аъзолари бадаллари ва бошқа молиявий ёрдам пуллари;
- грантлар ва ҳомийликлик маблағлари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа тушумлар.
- 7.2. Уюшма тушумлари ва даромади фақат мазкур Устав АУЙ ва Директорлар кенгаши белгилаган мақсадларга эришиш учун ишлатилади ва Уюшма таъсисчилари орасида уларнинг даромади сифатида тақсимланмайди.

## **VIII. УСТАВГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

8.1. Мазкур Уставга қўшимча ва ўзгартириш киритиш бўйича қарор АУЙ иштирок этаётган Уюшма аъзоларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8.2. Уюшма Аъзоларининг умумий йиғилишига мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасидаги таклифлар Уюшма Директорлар кенгаши, Уюшманинг 20% кўп аъзолари ва Ижроия органи раҳбарининг таклифлари билан киритилиши мумкин.

8.3. Мазкур Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартиб ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилади.

## **IX. УЮШМАДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ ТАРТИБИ**

9.1. Уюшма, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида, молия ва статистик ҳисоб ва ҳисоботларни олиб боради ҳамда тегишли давлат органларига қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этади.

9.2. Уюшма Ижроия органи қонунчилик талабалари асосида ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ҳужжатларнинг (бошқарув, молия-хўжалик ва бошқа) ўрнатилган тартибда сақланиши учун жавобгардир.

9.3. Уюшманинг молия-хўжалик йили 1 январдан 31 декабргача белгиланади.

## **X. УЮШМА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ**

10.1. Уюшма қайта ташкил этилиши (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) ёки тугатилиши Уюшма АУЙ, суд қарорига ёки қонунларда кўрсатилган бошқа асосларга кўра амалга оширилади.

10.2. Уюшма АУЙ қарорига кўра тугатилаётган бўлса, бу ҳақда зудлик билан руйхатга олган органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

10.3. Уюшмани қайта ташкил этилганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилган ташкилотга ўтказилади.

10.4. Уюшма фаолиятининг тугатилиши жараёни тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

10.5. Уюшма фаолиятининг тугатилиши давомида барча кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Тугатиш комиссияси Уюшма тугатилиши ҳақида матбуотда хабар беради ва кредиторларнинг талабларини билдириш тартиби ва муддатини белгилайди, бу муддат тугатиш ҳақида эълон қилинган кундан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

10.6. Уюшма ихтиёрида кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг қолган мол-мулки Уюшма АУЙ қарорига асосан бошқа нотирожат ташкилотларига берилади ёки, шунга ўхшаш бегараз мақсадларда ишлатилади, қонун ҳужжатларида қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно. Уюшма мол-мулки унинг аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

10.7. Уюшма фаолиятига тегишли барча ҳужжатлар янги ташкил этилган ташкилотга ёки давлат ташкилотлари архивга топширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

10.8. Уюшма фаолияти тугатилганлиги ҳақида тегишли давлат реестрига ёзув киритилгандан сўнг Уюшма фаолияти тугатилган ҳисобланади.

Бошқарув раиси



Анвар Ирчаев